



ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ЎРГАТУВЧИ ТИЗИМ

Д.Б.Абдурахимов

Р.Ф.Монасипова

М.Д.Баҳодиров

Гулистон давлат университети

ARTICLE INFO

Received: 04th January 2024

Accepted: 09th January 2024

Online: 10th January 2024

KEY WORDS

Педагогик технологиялар, ўқитиш услублари, Блум таксономияси, масаввур қилиш, билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш, муносабат.

ABSTRACT

Маколада илгор педагогик технология асосида ўқувчиларга таълим тизими ва уларнинг билимини назорат қилишининг асосий босқичлари ҳақида сўз боради. Бу йерда диққат қилиш керак бўлган асосий муаммолар ва ушбу тизимдан қандай фойдаланиш керак.

Бугунги кунда талабаларга таълим-тарбия беришда замонавий, илгор педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсdir. Таълимда замонавий, илгор педагогик технологиялар таълим жараёнининг унумдорлигини оширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради. Замонавий илгор педагогик технологиялар, биринчидан, талабаларни билим, қўникма ва малакасини оширишга имконият яратса, иккинчидан, талабанинг ҳам профессионал ўсишига, маънавий ривожланишига ёрдам беради.

Маълумки, педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга каратилган бир нечта ўқитиш услублари яратилган: муаммоли ўқитиш, контекст ўқитиш, компьютерда ўргатувчи тизим ёрдамида ўқитиш ва ҳоказо. Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади деб бўлмайди, сабаби, бундай хар бир машгулотга тайёргарлик педагог учун изланишни, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндашув ва кўп вактни сарфлашни талаб этади. Бундан ташқари, ҳар бир бундай машгулот сценарийси ўзига хос хусусиятга эга.


Ушбу маколада талабаларни ўқитиш ва билимини назорат қилишда илгор педагогик технологияларга асосланган ўргатувчи тизимнинг асосий босқичлари, уларни яратишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий масалалар ва бу тизимдан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида фикр юритилади.

Ихтиёрий ўргатувчи тизимни ишлаб чиқиши мақсадни аниқлашдан бошланади. Илгор педагогик технологияларда назарда тутиладиган мақсадларни қўйиш услуги шундан иборатки, таълим мақсадлари талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ қўринадиган ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.



Ўргатувчи тизимнинг биринчи босқичида ўқитиш учун танланган мавзунинг номи, машгулот тури, ажратилган соат микдори, дарс режаси (асосий саволлар) ва хар бир асосий саволларга алоҳида ўргатувчи (педагог) максадлари белгиланади.

Ўргатувчи тизимнинг асосий босқичлари қуидагилардир:



Ўқитувчи томонидан максадларни белгилашнинг типик усуллари (М.В.Кларин бўйича) қуидагилардан иборат [1]:

- ўкув материалининг режасидан келиб чикиб, максадни аниклаш;
- максадни педагог фаолияти оркали аниклаш;
- ўкувчининг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиши ички жараёнлари ва конуниятлари оркали ўқув мақсадни қўйиш;
- ўкув максадларини ўкувчилар фаолияти оркали қўйиш.

Ўқитувчи максадларининг бундай усуллари диккат марказида - ўқитищдан кутилаётган, талаба ривожланишидаги маълум силжиш ҳисобланган натижа ва унинг оқибати акс эттирилмаган. Илгор педагогик технологияларда назарда тутиладиган максадларни қўйиш услубининг моҳияти шундан иборатки, таълим мақсадлари ўкувчилар харакатида ифодаланадиган, аник кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар оркали белгиланади.

Ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Англия ва бошкалар) талаба ва ўқитувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида белгилаш одатга кирган бўлиб, бу мантиқан тўғридир, чунки ўқитиш - педагог ва ўкувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади.

Демак, педагогик технологияда мақсадлар ўқитувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва хоказо). Ўкувчининг характерларида ифодаланадиган натижалар таълимнинг вазифалари ҳам деб юритилиб, бундай маънодаги таълим вазифалари ўкувчи машгулотнинг охирида билиши ёки бажара олиши мумкин бўлган нарсани англаади.

Ўргатувчи тизимнинг иккинчи босқичида ҳар бир дарс режаси бўйича мавзунинг баёни (назарий кисми) бирин-кетин ўрин олган. Ҳар бир дарс режаси баёни мазмунни идентив - ўқув мақсадларига асосланади. Идентив ўқув мақсади талабанинг ўкув мақсади бўлиб, бу ўқитувчининг ўқув максадидан келиб чикади, бунда талабанинг мавзуни ўргатишга тайёргарлиги ҳамда билимини эътиборга олиш лозим.



Талаба мавзуни ўрганиш учун нимани билмайди, нимани билиши керак, кандай ўрганиш керак? ... деган саволлар асосида идентив ўқув максадлари аникланади. Бу ўқув максадлари бевосита талабанинг ўзлаштириш натижаси билан боғланган. Идентив ўқув мақсади назарий материалнинг амалиёт билан боғланишидир ва у талаба учун ўқув масаласи деб ҳам аталади.

Бундай ўқув масалаларини ишлаб чиқиши енгиллаштириш учун уларнинг таърифида ўзлаштирган талabalар малакасини ифодаловчи феъллардан фойдаланиш максадга мувофиқдир.

Педагогик технологияга асосланган ўргатувчи тизимнинг асосий хусусиятларидан бири талаба фаолияти ёрдамида таълимни олиб бориш жараёнида тескари алоқадорлик ўрнатилишидир.

Ўргатувчи тизимнинг учинчи босқичида мақсадларни амалга оширувчи назорат топшириқлари талабаларга етказилади. Педагогик технологияга асосланган ўқув жараёнини ташкил этишда назорат топширикларини тузиш ўқув мақсади билан узвий боғлик ҳолда ўтказилиши лозим. Назорат топшириклари оғзаки, ёзма, назорат саволлари ёки тест бўлиши мумкин.

Назорат топшириқлари турли хил ўзлаштириш даражасига мўлжалланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Назорат топшириқларининг бажарилиш даражаси талабаларнинг ўқув материалларини руҳий жихатдан қай йўсинда эканлигини аниклашга ёрдам беради ва улар қуидагилардан иборат:

а) Ахборотни билиш, ёд олиш ва сўзлаб бериш.

Ушбу назорат топширикларида талабаларнинг эслаб колиш кобилияти билан боғлик билимлари текширилади.

б) Репродуктив фикрлаш.

Ушбу ўзлаштириш даражасидаги назорат топширикларида талабадан (синалувчидан) олдин ўрганилган билимлар асосида мустақил иш бажариш талаб этилади.

в) Продуктив фикрлаш.

Ушбу назорат топшириклари талабалардан, олган билимлари негизида ностандарт масалаларини ечишда, мустақил фикр юритишни талаб қиласди.

г) Изланувчи - ижодий фикрлаш.

Ушбу даражадаги назорат топширикларида ижодга якинлашув, ноанъянавий ёндашув ва фикрлаш, фантазия гоялари мужассамланадиган талаблар кўйилади. Бу каби назорат топширикларидан яхши ўзлаштирувчи талабалар учун кўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Назорат топширикларининг бундай турли хил ўзлаштириш даражаларига, яъни эслаб колиш, сўнгра ифодалаш, кейин репродуктив ахборотга ўтиш, ундан сўнг продуктив ахборотга, фикрлашга йўналтирилганлиги талабаларнинг билимини назорат килишни такомиллаштиради, уларнинг билимларини амалиётга кўллашга ёрдам беради.

Ўргатувчи тизимда ҳар бир идентив ўқув мақсади учун бештадан турли даражали назорат топшириқлари келтирилган.



Педагогик технологияда назорат топшириқларини ишлаб чиқиша ўқув материалы элементларини таълим максадларининг маълум категорияси билан таққослаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда Б.Блум технологиясидан кенг фойдаланилмоқда. Б.Блум бўйича таълим максадлари таксономиясининг асосий категориялари қуидагилардир: билиш; тушуниш; умумий тушунчалар, қоидалар ва услублардан фойдаланиш; таҳлил; синтез; баҳолаш.

Турли хил даражали назорат топширикларининг хар бири Б.Блум таксономиясида кўрсатилган категориялардан бирига тўғри келиши талаб қилинади.

Ўргатувчи тизимнинг охирги босқичида ўқув мақсадларига эришишни баҳолаш ишлари амалга оширилади. Бунда билимларни ўзлаштириш назорат килишнинг янги, прогрессив механизмларини киритадиган рейтинг тизимидан самарали фойдаланиш назарда тутилган.

Ўргатувчи тизимдан ўқув жараёнида фойдаланиш тартиби қуидагичадир:

- Ўргатувчи тизимни ишга туширгач, ўқитиладиган мавзулар рўйхатидан керакли мавзу танланади;
- танланган мавзунинг режа бўйича назарий баённомаси ва идентив ўқув мақсадлари келтирилади(бунда тескари - алоқа ҳам назарда тутилган);
- мақсадларни амалга оширувчи назорат топшириқлари келтирилади (тескари алока);
- амалдаги рейтинг тизими ёрдамида талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражаси аниқланади;
- талабанинг хоҳишига қараб ўргатувчи тизим билан қайта ишлаш таъминланади.

References:

1. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. - М: Знание, 1989 - 80 с.
2. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Рисола. Т., "Фан", 2000
3. Negmatulloev, Z., Abduraximov, D., Allayorov, S., & Adilov, A. (2023). MATHCAD MUHITIDADA DASTURLASH. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(5 Part 2), 41-45.
4. Abduraximov, D., Taniberdiyev, A., Monasipova, R., & Ismatillayev, A. (2023). О 'QITUVCHINING INNOVATSION FAOLIYATGA TAYYORLASH METODLARI. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(5 Part 2), 123-127.
5. Abduraximov, D., Taniberdiyev, A., Monasipova, R., & Ismatillayev, A. (2023). AXBOROT TEKNOLOGIYALARI FANLARIDA DARSDAN TASHQARI MASHG 'ULOTLARNI TASHKIL QILISH. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(5 Part 2), 96-103.
6. Абдурахимов, Д. А. (2016). Прогнозирование развития регионов Узбекистана. Молодой ученый, (21-1), 2-4.
7. Kornilov, G. P., Abdulveleev, I. R., Logunova, O. S., Kalandarov, P. I., Tursunov, O., Kodirov, D., & Abdurakhimov, D. (2022, December). Electric power supply of steel producing companies: Schematic design solutions to improve reliability of power grids. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2686, No. 1). AIP Publishing.



EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center

Open access journal

www.in-academy.uz

8. Abduraximov, D., & Baxodirov, M. (2022). TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH. Science and innovation, 1(B7), 1529-1534.
9. Абдурахимов, Д. Б. (2022). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ. Экономика и социум, (1-1 (92)), 287-292.
10. Abduraximov, D. B. (2019). FEATURES OF THE USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS. Bulletin of Gulistan State University, 2020(2), 28-33.
11. Turdibekovich, N. Z. (2021). Issues of the Appearance of Vibration in Waters of Jizzakh Reservoir. Design Engineering, 481-486.
12. Abduraximov, D. B. Text of lectures on economic informatics. Gulistan 2008.
13. Abduraximov, D., Adilov, A., & Baxodirov, M. (2023). RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR IMKONIYATLARIDAN TA'LIMDA SAMARALI FOYDALANISH. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(6), 41-45.
14. Abduraximov, D., Adilov, A., & Baxodirov, M. (2023). RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR IMKONIYATLARIDAN TA'LIMDA SAMARALI FOYDALANISH. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(6), 41-45.
15. Abduraximov, D., & Baxodirov, M. (2022). USING THE CAPABILITIES OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN INFORMATIZATION OF EDUCATION. Science and Innovation, 1(7), 1529-1534.
16. Doniyor o'g'li, B. M. PROGRAMMING METHODOLOGY FOR GRAPHICS PROBLEMS IN PYTHON. Pedagogika, 36.
17. Абдураимов, Д. Э. Ў., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). ЛИБМАН ТИПИДАГИ ИТЕРАЦИН УСУЛНИ ЭЛАСТИКЛИК НАЗАРИЯСИ МАСАЛАСИГА ҚЎЛЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ. Science and Education, 2(1), 15-20.
18. Абдураимов, Д. Э. Ў. (2021). Малика Норқуловна Норматова, and Рената Фидановна Монасипова." ЛИБМАН ТИПИДАГИ ИТЕРАЦИН УСУЛНИ ЭЛАСТИКЛИК НАЗАРИЯСИ МАСАЛАСИГА ҚЎЛЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ.". Science and Education, 2, 15-20.
19. Monasipova, D. A. A. T. R. A. Ismatillayev.(2023). INCREASING THE EFFICIENCY OF ORGANIZING LESSONS.
20. Mavlonov, S., & Monasipova, R. (2023). ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI O 'QITISHDA TADQIQOTLAR TAHLILI. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(5 Part 2), 267-270.